

Ҳадис дарслари (213-дарс) Хало одоби



19:00 / 11.01.2023 1964

«Хало» деганда қазои ҳожат тушунилади. Инсон қазои ҳожат қилаётганида холи қолади. Шунинг учун учун хало дейилади.

عَبَّ شَنْبَ رِيْعُمْلَانَع
يَبْنَلَانَاْ هُنْعُ هَلَلَا يَضَر
نَاكَ مَلَسَوِ هَيْلَعُ هَلَلَا يَلَص
هَاور. دَعْبَابَ هَدْمَلَا بَهَذَا
يَنْسَلَا بَاخْصَاْ

Муғйра ибн Шўъба розияллоҳу анҳу:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бориш жойига (қазои ҳожатга) борадиган бўлсалар, узоқлашар эдилар», деганлар».

«Сунан» эгалари ривоят қилганлар.

Бу ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қазои ҳожатдаги одатлари ривоят қилинмоқда. У киши қачон қазои ҳожат қилмоқчи бўлсалар, иложи борича одамлардан узоқлашиб кетар эканлар. Маълумки, ўша пайтларда дунёнинг ҳеч қаерида қазои ҳожат учун қурилган алоҳида жойлар, белгиланган одоб ёки тартиб бўлмаган. Бундай нарсалар дунё тарихида биринчи бўлиб мусулмон жамиятида тартибга солина бошлаган. Бу бобда ўрганадиган баъзи ҳадисларимиз шу борадаги биринчи қадамлар ҳисобланади.

Демак, халонинг одобларидан бири – агар очиқ жойда бўлса, иложи борича узоқроқ жойга бориб, қазои ҳожат қилиш керак.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди